

Бир вақтлар чор ҳукумати ва унинг хоин миссионерлари кўл остида жуда оғир ҳоллар кечирган Туркистон маорифпарварлари, шўролар ҳукумати даврида хийла кенг план ва гоёлар билан ишга киришган эдилар: беш йил инкилоб даврининг аввалги йилларида маориф ишларимиз гоёт ёруғ ва зўр умидлик бир ҳолга кира бошлаган ва бу йўлда асосли бир замин ҳозирлана бошлаган чоғда маориф бирдан тургунлик ва тушкунликка йўликиб қолди.

Бунинг сабаблари жуда кўп бўлса ҳам, каттароклари — маориф ишларида кўрпага қараб оёғ узатмаганимиз, маориф ахллариининг халқдан узоклашганликлари, маориф ишларида Туркистон халқининг Оврупо гази билан ўлчаганлиги, кило қаби хусусий ва фанний равишда хал этиладиган масалаларда Туркистон ёшларининг ўзаро ихтилоф қилиб, ҳар турли араз ва ситезлар билан бир қадар вақт маориф ишларидан чеккага чиққанликлари ва, буларнинг устига, Самарқанд ва Фарғонада беш йилдан бери давом этиб келган «босмачилик ҳаракатлари»дир. Бунинг устига, янги иқтисод сиёсати орқасида кўп мактабларимизнинг таъминоти маҳаллалардаги маблағларга ва маҳаллий халқнинг ўз эркига қолдиридди.

Бу ҳақиқатларни кўра ва била туриб шу юқоридаги сабаблар билан қурашмасак ва ўзаро жанжалларимизни бир тарафга ташлаб қўйиб, кўл-кўлга беришиб, бутун тиш ва тирногимиз билан маорифга ёпишмасак, Туркистон маорифи ўлди ва Туркистоннинг порлок келажагидан умид узулди, демақдир. Чунки, Туркистоннинг порлок келгуси, балки ҳаёти ва кўркинчли қоронгиликдан қутулиши фақат маорифгагина боғлиқдир. Туркистон халқи маориф ва маънавият нарвонининг биринчи поясига эндигина қадам босди.

Бу тўғрида ҳали қилинадиган хизматлар жуда кўп, кўзланган мақсад жуда узокдир. Моддий ва маънавий томондан ишланмаган ишларнинг ҳали мингдан бири ҳам ишланган эмас. Маориф ва маданият йўлида ҳали бизнинг тилимизга олинмаган, балки, ҳаёлимизга ҳам келмаган буюқ хизматлар ва ечилмаган масалалар бор — фанний ва илмий тадқиқот ва мувоҳасалар бир томонда турсин, ибтидоий мактабларни бир йўлга қўйиш учун ҳам керакли чораларни хануз топа олганимиз йўқ. Тил ва адабиёт масаласида эса, ҳалигача унинг бошлагичи бўлган ёзув ва имло тўғрисида асосли бир йўл тополмасдан, турлимиз турли томонга тортишиб, кўзланган мақсаддан чеккага чиқиб кетдик. Шу саналган камчиликларни қанча оғир бўлса бўлсин, иқдор қилмоқ билан бирга биз, Туркистон маориф ходимлари, устимизга тушган гоёт муҳим ва масъулиятли вазифаларни — қанча оғир бўлса-бўлсин, қомил сабот ва матонат, улуг қаҳрамонлик ва олижаноблик билан ийфо қилишимиз лозим, буни инқор қилиб бўлмас. Мана шу ҳолларни эътиборга олиб, Тошкентнинг бутун ўзбек маорифпарвар ёшлари ва

масъул маориф-маданият ишчиларининг умумий йигини. Туркистонда маориф ишларининг сусайиши ва маориф ходимлари орасидаги жанжалларнинг сабабларини яхши англаб билмакни лозим топиб, шунга махсус бир хайъат сайлади. Бу хайъатнинг бир неча кунлик фаолияти натижасида маориф ишчилари орасидаги бутун англашмовчиликларнинг бартараф килинганлиги тўғрисида ўзаро бирлик ясаиб ва ахдномалар тузулди. Маориф ишларимизнинг энг огир ва бухронлик бир вақтида шу ишни пастлаш ва йўқолишдан кутқариб қолмоқ учун бирлашган Тошкент ўзбек маориф-маданият ходимлари, бутун ўлкадаги маорифпарвар ўзбек шоввозлари шу бирлашмани самимий бир тантана билан эълон қилмоқ баробарида, уларга қуйидаги таклифларни қилади:

1) Бутун ўлкадаги ўзбек маориф-маданият ходимлари ўз ораларидаги барча жанжал ва битишмасликларни ташлаб, қўл-қўлга берилиб, маорифнинг юксалиши учун ортик даражада зўр гайрат билан ишласинлар.

2) Халқни маорифга ва маорифни халққа яқинлаштирмоқ учун қўлларида келган ҳар бир чорага киришсинлар.

3) Самарқанд ва Фарғонада халқнинг бутун хўжалик ишларини ва бунинг орасида маориф ишларининг барбод бўлишига сабаб бўлган босмачилик билан қурашиш ишида бор қучлари билан ҳукуматга ёрдам берсинлар.

4) Туркистон ўзбекларнинг маориф ва маданият ишларини тўғри бир йўлга қўймоқ учун Тошкентда «Нашри маориф» исминда бир жамият очиш ҳаракатига киришилди. Шу жамият расмийлашгандан сўнг матбуотда эълон қилиниши билан дарҳол шу жамиятнинг ҳар ерда шўъбаларини очишга киришсинлар. Ерли халқнинг маориф ишларида бизда муттаҳиди фронт ташкил этилмоқдadir. Шунга яқиндан аралашмоқ ва умумий душманмиз бўлгон жаҳолат билан қурашмакка барча ўзбек маориф-маданият ходимларини даъват қиламиз.

Мунаввар кори Абдурашидхонов

Маннон Рамз Шоқиржон Раҳимий

Захириддин аълам Элбек

Шахид Эсон

Салимхон Тиллахонов

Хамид Сулаймон

Холмухаммад Охундий

Мажид Кодирий.

*«Туркистон» газетаси, 1923 йил, 1 январь*